

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 92 (65968)
1996 йил, 11 декабрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Оналарни асрагинг дунё...

Дилноза Тоғаева — Тошкент шахридаги 65-ўрта мактабнинг 8-синфида ўқийди. У келгусида журналист бўлмоқчи. Дилноза газетамизнинг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб боради. Ўзи ҳам қизиқарли мақолалар ёзар экан. Қуйида, унинг қаламига мансуб мақолалардан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Мен негадир бу мақолани ёзаётганда узоқ уйладим. Балки мени ҳали куп насага етмайдиган ақлим оналар ҳақида, уларнинг қадри ҳақида ёзишга ожиздир деган ҳаёлга ҳам бордим. Нима булганда ҳам юрагимга тинчлик бермаётган туйғуларни қоғозга туширдим.

Бизни дунёга келтириб, бошимиз устида кечасию-кундузи паноҳ бўлиб яшаётган оналарнинг борлиги қандай яхши. Уларнинг қадрига етиш, кунглини кутаришга ярайдиган фарзанд булмоғимиз керак. Синф раҳбаримиз Нодира опа Фозилова доимо бола-онанинг юрагига пайванд қилинган. «Кимки, унинг қадрига етмас экан, бу онани адоий-тамом қилади», — деган сўзларининг маъносини ҳар қалай тушунаётгандайман.

Мени бу мақолани ёзишга мажбур қилган, тўғрироғи, туртки булган бир воқеани келтирмасдан иложим йўқ.

Яқин бир дугонаминикига бирга дарс тайерлаш учун бордим. Ҳовли юзида синган коса парчалари-ю, тукилган овқат қолдиқлари сочилиб ётар, ошхонада дугонамининг ойисининг эзилиб йиғлаётгани эшитилиб турарди. Мен куча эшиги остонасидан киришни, ҳам кирмасликни ҳам билмай бир зум қотиб қолдим. Шу пайт уртоғим мени куриб югуриб келиб қулимдан торганча уйга судради. Мен ундан тинчликми, деб сурадим. Дугонама лабларини буриб: «Ҳей, анави олиб-сотар менга бутун ҳам этик олиб келмабди, ҳар куни ваъда беради, олиб келаман, деб, нукул алдайди».

— Ойингларми?

— Шунақа елгончини ойи дейишга ҳам тилинг бормайди...

Ҳамма гапни тушунган эдим. Дадаси икки йил олдин оламдан утган бу уртоғимнинг бунчалар бераҳмлигини билмасдим. Бечора ойиси

беш болани куксига босиб, тишини тишига қуйиб қийинчиликлари енгиб келаётган эди. Сут сотиб олиб, қатик ивитиб сотар, унинг пулига рузгор теб-

ратар, болаларнинг уст-бошини қиларди. Менинг дугонама унинг бош фарзанди саналиб, яхши-ёмон кунига яраш урнига, қилиб утирган беодоблигини, тўғрироғи, ёвузлилигини ҳам қилолмадим.

Улганнинг устига тепган қилиб, тушликка ойиси қилган овқатни ҳовлига улоқтириб юборганини мақтаниб, катта қаҳрамонлик қилгандай менга айтиб утирибди-я.

— Нотўғри қилибсан, ойингдан кечирим сўра, — дедим унга.

— Вой, вой энди сен қолувдинг менга ақл ургатмаган...

— Қандай кунглинг булади, қарасанг-чи, ойинг ҳалидан бери ошхонада эзилиб йиғлаб утирибдилар-ку!

— Баттар бўлсин...

Йўқ, бошқа чидолмадим. Дафтар китобларимни шарт йиғштирдим-да, чиқиб кетдим. Уйга етиб келдим-у ойижонимни маҳкам кучоқлаб олдим. Ушандан кейин тошбағир дугонама билан гаплашмай кетдик. Аммо унинг касалманд ойисини кунора йўлда учратаман. Бу камсуқум, бардошли аёл билан сурашаман. Нимадир қилиб кунглини кутаргим келади. Қанийди, қулимдан келса, аммо фарзандининг бир оғиз ширин сузила чиройли одобидан булак нима керак, бу аёлга? Уртоғимнинг ойиси буларнинг ҳаммасини яхши тушунади. Уртоғим-чи, у қачон тушунаркин она кунглини, орзусини, меҳрини...

Бир куни «Донишмандлар бисотидан» деган яхши бир китоб қулимга тушиб қолди. Ундаги бир афсона менга жуда ёқиб қолди. Сизга ҳам манзур булар, деган умидда эътиборингизга ҳавола қиламан.

Қадимда бир она келини ва ўғли, кичкина невараси билан бирга яшар экан. Онанинг кўз нури, мадори кетиб, бутун аъжуд қалтирайдиган бўлиб қолди. Бир куни бутун оила овқатланиб ўтиришганда, кексайиб қолган онанинг қўлидан чинни коса ерга тушиб чил-чил синибди. Бу ҳолдан дарғазаб келин эрига:

«Онанингизни бошқа уйга кўчириб, ёғоч косада овқат берамиз», — деб маслаҳат солибди. Тошбағир ўғил ҳам хотинининг гапига кириб, бечора онани совуқ бир хонага кўчириб, унга ёғоч косада овқат берадиган бўлибди. Кичкина невара бувисини жуда яхши кўрар, кечасию-кундузи унинг олдида бери келмас экан...

Бир куни дарвоза олдида ёғоч йўниб ўтирган ўғлидан дадаси: — Нима қилипсан, ўғлим? — деб сўрабди.

— Сиз билан ойимга ёғоч коса ва ёғоч қошиқ ясаётман. Сизлар ҳам бувимга ўхшаб қолганларингизда бошқа хонага кўчириб, ёғоч косада овқат бераман, — деб жавоб берибди. Ўғил пешонасига бир мушт тушириб, дарҳол кекса онани иссиқ хонага кўчиртириб, унга аввалгидай чинни косада овқат берадиган бўлибди...

Мен мана шу афсонани қоғозга кучириб, тошбағир дугонамага юбордим. Ўқиб бирор хулосага келар, деб уйлагандим. Афсуски, уртоғим уйлаш тугул, жим туришга ҳам сабр топмади. У мени бутун синфда масҳара қилиб: «Синфимизда зўр файласуф бор экану билмай юрган эканмиз», — деб роса кулди. Баъзилар унинг гапига қушилиб қулишди. Менга роса алам қилди. Лекин барибир бир куни уртоғим онасининг кунглидаги орзуларичи тушунини керак, деб уйладим.

Нима булганда ҳам балки одобсиз дугонама онанинг қадри деган туйғуни ёруғроқ куришга менга ердам берди, назаримда. Бу уринда бир ҳикоятни келтирмоқчиман: «Лукмони ҳақимдан: «Одобни кимдан ургандинг?» — деб сўрадилар Лукмон жавоб берди: «Одобни беодоблардан ургандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул буладиган нарсалардан узимни сақладим!».

Ватандай, юракдай ягона — онанинг қадру-қиммати, ҳурмати, эътиборини ҳамиша жондан азиз ва табарруқ билмоқ ҳар биримизнинг мангу бурчимиздир. Унинг муҳаббати, меҳри олдида бош эгиб барча тенгдошларимга, ёшларга онага булган муносабатда инсоф тилайман.

Дилноза ТОҒАЕВА.



Юзингда порлаган тинчлик нури бор,

Қизалогим менинг, жоним жавҳари.

Эртанинг завқида юлдуздай ёнар,

Озод кўзларингнинг гавҳари.

Қонингда оқади Тўмарис ишқи,

Ўзбек, деган элга битта дилбандсан.

Зангори уфқлар йўлида турган,

Илдизи юракда ўсган Ватансан.

Ривоят қилишларича, катта бир мамлакат подшоҳининг ўғли шаҳзода оддийгина камбағал деҳқон қизини севиб қолибди. Қиз йигитдан қандай хунари борлигини сурабди:

— Мен ахир шаҳзода бўлсам, хунар урганишимнинг нима ҳо-жати бор? — ажабланибди йигит.

— Бирор хунар урганиб келма-гунингизча, сизга турмушга чиқ-майман, — эътироз билдирибди қиз.

Манаман деган маликаларга му-носиб шаҳзода деҳқон қизига бул-ган муҳаббати кучлилик қилиб, гиламдузлик хунарини урганиб ке-либди. Шундан сунггина қиз унга турмушга чиқибди.

Отаси оламдан утгач, мамлакат-га шаҳзода подшолик қила бош-лабди.

Кунлардан бир кун у оддийги-на фуқаро кийимини кийиб, мам-лакатини айланиб чиқмоқчи бу-либди. Шунда подшо ёмонларнинг қулига тушиб қолибди. Бир вақт-лар мажбуран урганган гиламдуз-лик хунари уни улимдан асраб қолибди...

Тошкентдаги Саида Зуннуова номли мактабнинг 9-синфида таҳ-сил олаётган Абдуғаффор Икро-мов, Шерзодбек Муминов, Жа-ҳонгир Миржалиловлар «Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз», деган мақолни узларига шиор қилиб ол-ган тенгдошларингиздан. Бир не-ча йилдирки мактаблари қошда-ги наққошлик тугарагига мунта-зам қатнаб, ёғочга миллий нақш-лар ишлаш хунарининг ҳадисини олишяпти. Айрим тенгдошлари сингари ёшлик чоғларини бозор-

учарларда беҳуда утказмай, хунар-ли бўлишяпти. Зеро, шоир ёзга-нидек:

Бор экан ёшлиғу соғлиқ мусаф-фо.

Хар мақсад жилови қулда му-ҳайё.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хунар таъли-ми Республика маданият уйининг директори, педагогика фанлари номзоди Аҳмадjon Музаффаров билан булган суҳбатимиз ҳам ана шундай хунарманд болалар, хунар урганиш ва ургатиш хусусида бор-ди.

— Аҳмадjon Носирович, шу кун-

маҳсулидир. Зардузлик, кулолчи-лик, кашпачилик, меъморчилик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, косибчилик каби соҳалардаги ноёб буюмларимиз жаҳон бозорида ол-тин баробар қимматга эга.

Хунар — инсон учун зарурий эҳтиёж ҳам саналади. Хар биримиз уз касбимиздан ташқари бирор ху-нар эгаси бўлсак, фойдадан ҳоли бўлмайди. Тугри, айримлар хунар маҳсули тирикчилик утказиш во-ситаси, деб тушунадилар. Ме-нимча, хунар маҳсули санъат асари каби нодир бўлиши керак.

— Республикада таълимнинг хар хил турлари борки, уларнинг

даги сатрлари умрлари мазму-нини ташкил этади:

«Хунарни асрабон
неткумдир охир,
Олиб тупроққаи
кеткумдир охир».

Маданият уйимизда куп йиллардан бери ишлаб келаёт-ган Низомиддин ака Икромов ҳам ана шундай инсонлар си-расига киради. Устозни шоги-рдлари «уста» дея эъзозлаша-ди. Бу ном, бошқача айтганда унвон бир вақтлар ўзбек клас-сик мусиқасининг билимдон-ларидан бири Тухтасин Жали-ловга нисбат қилиб айтилган



ХУНАРНИ АСРАБОН НЕТКУМДИР ОХИР

ларда ёшларимизнинг хунар ўрга-нишларига эътибор кучли бўляпти. Чунки хунарманд кишининг хор бўл-маслиги ҳаммамизга яхши аён. Сиз-нингча хунар ўрганиш, деганда ни-мани тушуниш керак?

— Халқимизда «Хунар — зар, беҳунар — хор», дея хуп топиб айтилган мақол бор. Бунинг маъно-си шуки, хунари бор киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Маълумки, хунар касб фаолиятининг бир ту-ридир. Ота-боболаримиздан мерос қолган ўзбек халқининг улмас асар-лари, халқ амалий санъати намуна-лари ана шундай боқий хунарлар

бари инсон камолоти учун хизмат қилади. Сиз хунар таълимининг бошқа турлардан фарқини нима-ларда кўрасиз?

— Хунар таълимининг бошқа таълимлардан афзаллиги шундаки, республикадаги хунар ургата-диган билим юртларида укучилар-га дунёвий билимларни ургатиш билан биргаликда уларда меҳнат қуникмалари ҳам шакллантира бо-рилади. Билим юртини тамомла-гач бирор мутахассислиқни эгалла-ганликлари ҳақида гувоҳнома ола-дилар.

Ҳозирги кунда республикада-даги мавжуд 439 та билим юртида 220.000 дан зиёд угил-қиз таҳсил олмоқда. Булардан 146 таси ли-цей, 51 таси биржа мактаблари, 7 таси ўзбек-турк лицейлари. Бу би-лим юртларининг деярли ҳаммаси бизнинг республика маданият уйи-миз билан ҳамкорлик қилади. Маълумки, укучилар мазкур би-лим юртларида дурадгорлик, ти-кувчилик, чилангарлик, меъмор-лик каби халқ ҳужалиги учун му-ҳим булган хунарларни эгаллаш билан бирга бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ишби-лармонлик, талбиркорликни ҳам урганадилар.

— Узингиз раҳбарлик қилаётган республика маданият уйининг фао-лияти ҳақида тўхталсангиз.

— Болалар маданият уйимизда халқимизнинг узок йиллар мо-байнида ардоқлаб келаётган маъна-вияти, тарихи, нафис санъати на-муналари билан танишадилар. Ху-нар билим юртларининг укучи-ларини маданий-тарбиявий ишлар-га кенгрок жалб қиламиз. Улар орасида бадий ҳаваскорлик ижо-диетини ривожлантиришга, уму-ман, буш вақтларини мазмуни ва марокли ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Тургта бадий ҳаваскор-лик жамоаси, видеостудия, радио-техника, телемеханика ва бошқа тугарақлар ишлаб турибди. Айниқ-са, бадий ҳаваскорлик тугарақла-рининг фаолияти мактовга сазо-вордир.

Ҳаётда шундай кишилар борки, улар учун ҳазрат Навойнинг куйи-

ди. Биз ҳам устозни шундай ата-шимизда рамзий маъно бор.

«Ҳилола» апула ва рақс даста-миз 1956 йили Тошкент шаҳ-рининг 2-хунар билим юрти қо-шида ташкил қилинган. У 1957 йили Москвада булиб утган Жаҳон ёшларининг фестивалида иштирок этган. Дастаами аъзолари Польша, Германия, Чехия, Словакия каби куплаб давлатларда уз санъатлари-ни намойиш этиб келишяпти. Рес-публикада хизмат курсатган артист Олимжон Орифжонов, Тошкент вилояти ёшлар ташкилоти муко-фоти соҳиби Комилжон Йўлдо-шев ва унлаб санъаткорлар «Ҳило-ла»миз бағридан «учирма» булиш-ган.

«Гулруҳ» фольклор-этнографик дастамиз эса, 1986 йилда маданият уйи қошидаги «Дуторчи қизлар» ансамбли асосида ташкил этилган булиб, орадан бир йил утгач, Боку шаҳрида булиб утган фольклор-этнографик дасталар фестивалида биринчи уринин олиб қайтди.

Бу йил мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида маданият уйи қошида яна бир «Хумо» даста-сини ташкил этдик. Байрам танта-налари кунларида Мустақиллик майдонида, Алишер Навоий но-мидаги театр майдонида, Боғи Эрам маданият ва истироҳат боғида у-ган концертларда катнашиб, томо-шабинлар олқишига сазовор бул-ди. Уста Низомиддин Икромов мана шу дасталарга раҳбарлик қил-ди, укучиларга санъат сирларини ургатиб келаяпти.

Тугарақларимизга асосан Тош-кент шаҳридаги хунар билим юрт-ларининг укучилари қатнашаёт-ган булсалар ҳам, уларнинг акса-рияти республикаимизнинг турли вилоятлари ва туманларидан кел-ган ёшлардир.

Яқинда маданият уйимизда мил-лий қадриятларимиз, қадимий урф-одатларимизни урганиш ва яна-

да ривожлантириш мақсадида эт-нографик фольклор жамоаларининг фестивалини утказдик. Бу тал-бир ёшларимизда халқ ижодиёти-га булган қизиқишни янада оши-риши тайин.

— Сизнинг-ча, халқимизнинг қа-димий хунармандчилигини тиклаш ва ривожлантириш учун қандай иш-лар қилиш керак бўлади?

— Кейинги 70 йил мобайнида миллий қадриятларимиз билан бир қаторда халқ хунармандчилигига ҳам эътибор қамайиб кетди. Куп-рок ғарб маданиятига, санъатига эргашиб кетдик. Назаримизда ғарб-дан келган хар бир нарсга гузалдек туюлаверди. Бунда албатта сиёсат-нинг таъсири кучли булди. Муста-қиллигимиз шарофати билан маънавият, маданият, маърифат ва санъатта муносабат узгарди. Жум-ладан, хунармандчиликка ҳам эъти-бор кучайди. Энди ёшларимизни халқимизнинг қадимий хунар-мандчилигига купрок жалб қили-шимиз лозим. Чунки бизга фазо-гирлардан кура она тупроқни эъзоз-лайдиган, Ватани шарафини хар нарсадан устун қуядиган кишилар керак. Ота-боболаримиздан мерос қолган меъморчилик санъатининг ноёб намуналари қайси муҳожир-ни лол қолдирмайди? Қули гул чевар қизларимиз тиккан чуст дуп-пилари, уларнинг Андижон, Мар-ғилон нусхалари-чи?

Самарқанд ва Бухорони курма-ган сайёҳнинг армон билан кети-ши тайин. Тош ва темирни ҳам кесгудек Шаҳрихон пичоқлари, мисгарларимиз яратган санъат дур-доналарини томоша қилиб куз туймайди. Аждолларимизнинг ху-нарларини энди ёшларимиз да-вом эттиришлари лозим. «Тонг юлдузи» муштарийларига тилак-ларим ҳам шундай: ҳозирданок бирор хунар эгаси булсинлар. Бу уларнинг келгуси ҳаётда қоқил-масликлари гарови бўлиши тайин.

**Суҳбатдош: Наримон
ОРИФЖОНОВ.**



Салом, азиз укучилар! Мен РОСТГУЙ БОЛАМАН. Ёдингизда булса, бундан бир неча сон аввал сизларга лотин ёзуви, тугрироғи, янги ўзбек алифбоси ҳақида суз очган эдик. Ёсингизга тушди-а? Авлоний бобомизнинг бир шёрини шу алифбода укгансиз, ахир. Хуллас, ушандан кейин сизлардан бирон бир хат келармикин, деб юрган эдик. Яқинда Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейидан ажойиб бир совға олдик. Бу лицейда укйидиган Иродахон Асилбекова янги алифбони узлаштиришнинг узига хос йулини топибди. У жаҳоннинг турли мамлакатлари ҳақида маълумотлар туплаб, уларни жадвал, ҳикоя тарзида қозоғга туширар экан. Албатта янги алифбомизда-да.

Биласизми, бу менга жудаям маъкул булди. Агар сиз ҳам шундай қилсангиз, жаҳон халқлари, улар яшаётган жойлар,

мамлакат ва шаҳарлар ҳақида қизиқарли маълумотларга эга булиш билан бирга алифбони ҳам урганиб оласиз. Йўқ-йўқ шошилманг, мен ҳам ҳаммани бунга чақираётганим йўқ. Яхшиси-чи, лотин алифбосини урганишнинг бошқачарок йулини узингиз уйлаб тошинг. Марҳамат қилиб, узингиз қизиққан соҳага боғланинг.

Мен эса топқир ва ижодкор Иродахонга раҳмат айтаман. Ва уни сизларнинг номингиздан ишонтириб айтаманки, унинг ишларини бошқалар ҳам давом эттиради.

Азиз болалар, Иродахон эшитмасину, бу ишончимни оқлашга ҳаракат қилинг, хўпми? Эртага одамлар бу бола Ёлгон-чи экан, укучилари ваъдасини эпла-мади, деб юришмасин-а!

РОСТГУЙ БОЛА

ЛОТИН АЛИФБОСИНИ ЎРТАНАМИЗ

Davlat nomi: Amerika
(Qo'shma Shlatlari)

Poytaxti: Washington

Yirik shaharlari: Atlanta, Nyu-York, Chikago, Mayami, Stetl

Maydoni: 9,392,814 km²

Geografik nuqtai nazardan:

Tqilimi: MSAdil

Goylashuvi: Kanada, Meksika

Rolyeti: Tog, qir, pasttekislik

Foydali qazilmalari:

Neft, yanuvchi gaz, temir rudasi, kemir, rangli metallar, ximiyaviy sam ashyolar

Xaritasi:

Davlat kodi:

Yirik shaharlarining kodi va vaqtda farqi

No	Shahar nomi	kodi	v/t
1	Vashington	202/305	+10.00
2	Yuens	405	+10.00
3	Boston	617	+10.00
4	Chikago	312	+10.00
5	Xyuston	713	+10.00
6	Mayami	305	+10.00
7	Los-Anjelas	213/213	+11.00
8	Kanadas Siti	416	+11.00
9	Stetl	202	+13.00

Aholisining soni:
252 mln kishi (1994)

Tarixda prezidentlari

No	Ism familiyasi	Prezidentlik yillari
1	George Washington	1789-1797
2	John Adams	1797-1801
3	Thomas Jefferson	1801-1809
4	J. Madison	1809-1817
5	Monroe	1817-1825
6	James Adams	1825-1829
7	J. Jackson	1829-1837
8	J. Vanburen	1837-1841
9	Franklin Pierce	1841
10	Ben Taylor	1841-1845
11	Franklin Pierce	1845-1849
12	Franklin Pierce	1849-1853
13	Abraham Lincoln	1849-1861
14	Andrew Johnson	1861-1865
15	Ulysses S. Grant	1865-1869
16	Rutherford B. Hayes	1869-1877
17	James A. Garfield	1877-1881
18	Benjamin Harrison	1881-1889
19	William McKinley	1889-1897
20	Theodore Roosevelt	1897-1901
21	Taft	1901-1909
22	Woodrow Wilson	1913-1921
23	Warren G. Harding	1921-1923
24	Calvin Coolidge	1923-1929

Bayrogi:

Pul birligi: Dollar \$

Болалик баҳорнинг селидай бирпасда утиб кетар экан... Гуё сен капалаклар рақсига маҳлиё бўлиб қолган лаҳзада қандайдир жодугар сени алдаб, сенга хазонлар рақсини ҳозирлаб қуйгандай, бирпасда улғаясан. Аммо болалик дунёсида сенинг энг яқин дустинг, сирдошинг, беғуборлигинг — болалигинг қолиб кетади. Энди бир улкан соғинч йил сайин улғайиб, улканлашиб боради. Қонингда совиб бораётган болаликнинг ҳайқириқлари, энди тушларингни безовта қила бошлайди. Фақат қачонлардир юрагингга томиб қолган доғлар бугун равшанроқ қуриша бошлайди.

Болаликда қушимга узимиз қилаётган ҳамма ишни адолатли деб ўйлардик. Кимдир юрагини оғритиб қуйишимиз, кимдир қисматида акс таъсир кўрсатишимиз мутлақо ҳаёлимизга келмас эди.

Бугун эса узоқ-узоқ ҳаёллар сураман, виждон азобида қийналаман. Ушанда 5-синфда ўқир эдик. Рус тили ўқитувчимиз касал бўлиб қолиб, дарсга келмаганилиги сабабли, 45 минут ўқитувчиси ўтиришимизга тўғри келди. Ерга урсанг кукка сапчийдиган, шўхлигимиз самони тутган бир давр экан шеклли, зерикиб ўтиргандан кура, деразадан кучага сакраш уйнадик. Ҳамманинг ботирлиги тутиб, бир метр баландроқ бўлган масофадан сакрай бошладик. Ҳамма сакраб бўлди. Фақат мактабимизга яқинда келган янги бола сакрамади, холос. Унинг ҳеч ким билан иши йўқдай китоб ўқиб ўтирар, пинагини ҳам бузмасди. Негадир унинг бу қилиги гашизмизга тегди. Менинг бошчилигимда у болага қараб: «Қўрқоқ, қўрқоқ» — дея бақира бошладик. Янги бола партани тагига бошини яширгудай эгиб олган эди. Худди шу пайт унинг жонига оро кириб шовқинни эшитиб, синфга мактаб директори кириб келди. Синф сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди. Қилган ишимизга яраша ҳаммамиз жазоландик. Янги келган бола эса, «қўрқоқ» деган номни анча вақтгача кутариб юрди. У жуда яхши ўқир эди. Лекин жуда камгап, гапирса бировнинг жонини оғритиб қўйишдан чўчидигандек оҳиста гапирар эди. Негадир бутун синф уни ёқтирмасдик. Узининг ҳам жонига тегди шеклли, 8-синфдан кейин умуман мактабга келмай қўйди. Балки, у билан яхши муомала қилганимизда мактабни ташламасмиди?!...

Орадан йиллар ўтди. Уша бизнинг «Қўрқоқ» синфдошимиз Афғонистон урушида қатнашиб, енаётган уйдан бешта гудакни олиб чиққани, яна аллақанча қаҳрамонликлар қўрсатганилиги ҳақида ҳамма ёқда дувдуд гап бўлди.

Кунлардан бир кун уша «қўрқоқ» синфдошимизнинг қаҳрамон жасадини қишлоққа олиб келишди. Биз барча синфдошлар унинг тўғриясига бордик. Худди биз унга «қўрқоқ» деганда

Болалигим, сени соғиндим

ЮРАКДАГИ ДОҒЛАР

бошини эгиб олгандай, уша кун қандайдир ички азобдан бизнинг ҳам бошимиз эгилган эди...

Болалик тезоқар дарё экан. Қўз очиб юмгунча утиб кетди. Аммо уша фурсатда кимларнидир юрагига берган оғриқларимиз, кимнингдир қадрига етмаганимиз, кимнидир тушунолмаганимиз бугун юрагимда учмас из бўлиб қолган.

Болаликнинг олис йўллари соғинаман, унга талпинаман. Уйғоқ хотиранинг жийда хиди анқиб турган хидларидан сархуш буламан. Олис-олис йиллар қаърида қолиб кетган овозларни, меҳрларни, қадрларни уйғотгим келади. Қанийди кучим етса?!

Азиз болажон, сен ҳозир кучлисан, ҳамма туйғуларни бошингга кутарининг, энг муҳи-

ми, кейин афсусланмаслигинг учун унинг қадрига етишинг мумкин.

Езги таътил кунлари болаликнинг уйинлари қизигандан қизирди. Купчилик сигирини олиб, қишлоқ четидаги қўлга борар, қишлоқда қолганлар эса қандайдир шумлик қилиб ном чиқариш пайтида юрардик.

Бир кун пешинда қишлоқда камбағалгина яшайдиган, Адол холанинг икки товугини ўғирлаб, «Қассоб-қассоб» уйини уюштириб, қўлга олиб бориб суйган эдик. Бундан хабар топган Адол хола қўлига калтак олиб бизни роса қувлади. Бизга етолмагач, ерга утириб олиб хўнг-хўнг йиғлаган эди.

Биз эса пана-панада қилган ишимиздан мамнун, хахлоаб қулар эдик.



Бу ўйинни ўйнанг

БОҒДА ПИЧАН КЎРДИМ

Бу ўйин хона шароитида, асосан уйқудан олдин ўтказилади. Бу кишилардан уз қишлоқдошлари, маҳалладошларини яхши билишларини талаб этади. Мисол тариқасида бир оила аъзолари уртасида ўтказилган ўйинни оламир...

Оила аъзолари ҳаммаси бир хонада ётишибди. Ҳали уйқуга кетишганларича йўқ. Шунда биттаси: «Боғда пичан кўрдим» ўйинини таклиф этади. Кейин оила бошлиғи қишлоқда яшаса, қишлоқидан, шаҳарда бўлса, маҳалласидан бирон бир оилани ва шу оилада нечта фарзанд бор, шулардан нечтаси ўғил, нечтаси қизлигини ҳаёлидан ўтказиб олади. Сўнгра қолганларга эшиттириб:

— Боғда пичан кўрдим, — дейди.

Бошқаси:

— Нечта ўғил-у, нечта қиз, — деб сурайди.

— Тўрт ўғил-у, икки қиз, — деб жавоб қилади. Шундан кейин қолганлар уз қишлоқдошлари ёки маҳалладошларидан кимнинг оиласида тўрт ўғил-у, икки қиз бор эканлигини уйлашиб топишга ҳаракат қилишади. Анча уйлашганларидан кейин жавоб бера бошлашади. Қайси бирлари тўғри жавоб берса, уша киши давом эттиради. Агар ҳеч ким тўғри жавоб беролмаса, бошловчига «шаҳар» беришларига тўғри келади. «Шаҳар» ҳаёда этилгач у киши кимнинг оиласи эканлигини айтиб, яна «Боғда пичан кўрдим» ўйинини давом эттиради.

Агар ҳозир Адол хола тирик бўлганда эди, унинг олдида тиз чуқиб кечирим сураган булар эдим. Бугун болалигимни унинг беозор табассумига алмашардим. Афсуски, мен бу нарсани жуда кеч англадим.

Азиз болажон, сен мenden кура зийракроқсан, уйлайманки, болаликнинг кўнглига губор қўндирмайсан. Мен болалигимнинг гузал лаҳзаларини соғинаман, ундаги кўпол хатоларим, бебошлиқларим юрагимни ҳануз уртайди.

Болалигимнинг ёрқин манзараларини кўпроқ сеvimли, болажон кампир Полвонбисиз тасаввур этолмайман.

Ўзимнинг тийиксиз шўхликларим билан шу беозор кампирнинг юрагига ҳам озор етказганман.

Унинг жуда ювош мушуги бўлгучи эди. «Жаллод-жаллод» ўйинига қизиқиб кетиб, уша бечора мушукни буйнидан арқон боғлаб, урик дарахтига осдик. Биримиз ҳукмни ўқиб эшиттирдик, яна биримиз ҳукмни ижро этдик. Мушукнинг улиши қийин бўлар экан, бирам миёвлади-ей... Ҳозир эласам, этларим жимирлаб кетади.

Қаёққадир менмонга кетган Полвонбиби меҳмондан қайтгач, тиз чуқиб утириб олди. Биз қилганимизни у билди, индамади. Арқонда осилиб ётган мушукнинг улигини олиб, чуқур қазиб, уни кўмди. Қани, нима қиларкин деб, узоқ пойладик. Полвонбиби чуқур қайғуга чуқиб, узига ярашган дока румоли билан кўз ёшларини секингина артди-ю, уйига кириб кетди.

Полвонбиби, сизнинг кўзингиздан оққан уша ёшлар-менинг болалигим эди. Бугун уша болаликнинг кўзларига тик қаролмайман. Сизни, сизнинг уша фақиргина қулбангизни соғинаман. Аммо сизлар жуда олисдасиз. Бу олис масофада ўзининг болалик хатоларидан азоб чекаётган юрагим, ундаги доғлар яшайди...

Болажон, яна сенга нималардир айтгим келаяпти. Сен гузал ёшдасан. Қўз очиб юмгунча, қизғалдоқлар баргини тукади, капалаклар учиб кетади, майсалар саргаяди... Болалигингни сарҳисоб қилувчи бир уйғоқ соғинч олдида жавоб берасан. Шунинг учун юрагингда армон, афсус излари қолмасин. Атрофингга боқ, ҳамма тирик жон, меҳрга зор, меҳрга ташна. Уларни тушун, уларга талпин. Зинҳор-базинҳор уларнинг юрагига озор берма, озор топасан. Болалигингни буюк садокат билан қўзат, тушун, у кетиб қолгандан кейин қайтиб келмайди. Ҳали сен барчасига улгурасан, Қадрини англа, англамасанг, беқадр бўласан.

Мен сенга ишонаман, мен қилган хатоларни сен тузатасан. Эртага келажакнинг кўзига бокира юрак билан тик қарайсан, сенга ҳавасим келади. Сен Ватанга ухшайсан, болажон...
ЮЛДУЗХОН.

Гўзаллик оламида

МУКОФОТ МУБОРАК, ЭРКИН АКА!

Бутунги кунда «Ўзбегим» деган шеърни билмайдиган одамнинг ўзи йўқ ҳисоб. Унинг муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов эса халқимиз ичида янада машҳур. Шоир қаламига мансуб «Олтин девор» ҳажвий спектакли ҳам ана шу ижодкор қаламига мансуб. Кўни кеча сеvimли шоиримиз юртбошимиз фармонига кура ўзбек маданиятини юксалтириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги самарали хизматлари учун «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

АДИБ ТУҒИЛГАН КҮН

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ўзининг «Ҳаёт булоқлари», «Ихлос», «Чин муҳаббат», «Фидойилар», «Генерал Равшанов» ва бошқа асарлари билан элимизга машҳур. Кўни кеча сеvimли адибимиз 80 ёшни қаршилади. Пойтахтимиздаги Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрида ушбу санага бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кеча ёзувчининг дустлари, адабиёт аҳли, мухлислари уни чин қалбдан қутлашди. Театр жамоаси адиб асарлари асосида сахна қўринишларини намойиш этди.

Саломатлик сандиги

САРИМСОҚ

Мени турклар «саримсоқ» ёки «саромсоқ», араблар эса «Савм» деб аташади. Менинг жуда хилларим кўп. Икки хилм маданий ҳолда устирилади. Бизнинг оиламиз гиёҳлар орасида баланд мартабага эгалар. Маданий устириладиган хилмдан бирининг гуллари оппоқ, бошқа хилмники эса, тўпроқ рангига ўхшайди. Таркибимда В ва С витаминлари бор. С витамини ёввойи ҳолда усалган бошқа хилларимда кўпроқдир. Мен хом ва пишган ҳолатларда овқатларга қўшиб истеъмол қилинаман. Медицинада ва фармакогнозияда мендан яхши фойдаланадилар. Мен овқатни ҳазм қилишда, нафас йўли касалликлари, ўпка касали, қорасонни даволашда катта ёрдам бераман. Қон босимини пасайтираман. Менинг қувватим вабо микробларини ўлдиришга этади.

Мен овқатни ҳазм қилиш билан бирга, меъдага урнашиб қолган иссиқликни бартараф қиламан, қуйилган қонни суюлтираман. Сийдик ҳайдайман, ҳайз очаман, заҳарни кесаман. Шунинг учун ҳам ревматизм касаллигини даволашда менинг аҳамиятим улкандир.

Турли касалликларнинг олдини олишни истасангиз мени ейишни эслан чиқарман! Менинг ёски аччиқ саримсоғим томонки тозалашда, овоз очишда, нафас қисини даволашда, хотирани мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, мен юз фалажи, қаттироқ касали, турли асаб нуқсонлари, бел, буйин оғриги билан оғриган кишиларга яхши таъсир қўрсатаман. Мени пишириб, сугал чиққан жойларга қўйсангиз, ундан қутуласиз.



Шоир Асқар Қосимовнинг 50 йиллиги олдидан



Ҳурматли болалар!

Асқар акангиз (у кишини худо раҳматига олган бўлсин) нафақат катталар, сизлар учун ҳам ажабтовур шеърлар ёзарди. Асқар Қосимов болалар учун ёзган шеърларида уларнинг характери, феъл-атворидан келиб чиқар, жониворлар, қушлар ҳаётидан шеърин лавҳалар чизарди, ҳатто шеърин топишмоқлар ҳам тўқирди.

Қуйида, сиз унинг шу хил ижод намуналари билан танишасиз. Ўйлаймизки, бу шеърлар сизларни эътиборсиз қолдирмайди.

Хўрозча

Тонг саҳарлаб қўноқда,
Бошда қизил папоғи.
Қаппар кичқирганда
Томоғида бобоғи.

Қолган ота хуроздан
Бу кичқирик сабоғи.
Кичқирмаса эрталаб
Очилмайди қабоғи.

— Отмайди, — дер,
— менсиз тонг...
Гердайиши бор ғозча.
Дуч келса гар мушукка
Писиб қолар хўрозча.

Чумчук

Кийган тўним беқасам,
Ашулам шу: чиқ-чирик
Шохдан- шохга сакрасам
Айтинг, менга ким
шерик?

Шохдан-шохга сакрамоқ
Қандай маза, қандай гашт.
Ўйнаимизми жуфтми тоқ
Кезиб ёбон, кезиб дашт?

Ўрилганда бедалар
Далаларга инаман.
Кесак отса, болалар
Чирқирашдан тинаман.

Пазанда

Бизнинг Мунис пазанда
Кийиб оқ халат.
Ошхонада тайёрлар
Антиқа салат.
Паррак-паррак кесилган
Арчилган тухум
Салат учун кўкатлар
Албатта муҳим.
Ўрдаксимон бодринг ҳам
Қилинган удда
Қараб турган Ширин дер:
— Қойил-ку жуда!



Кушим боши

(Топишмоқ шеър)
Салобати лочин қушдек,
Боши худди кичик
соққа.

Кўриниши катта
муштдек,
Ўзи жуда ўч балиққа.
У кўл, денгиз узра елар,
Гоҳ қийқириб, гоҳ чарх
уриб.
У нимадир? Хўш, ким
билар,
Жавоб беринг ўйлаб
туриб.
(Чағалай)

Ўқинг, қизик

ганман.

Бир қарашда уни эллик ёшда дейиш мумкин. Айтишларича, ҳар юз йилда шайхнинг сочи ва тишлари тукилиб, янгилари чиқаркан. У ғуе Абу Рўхмани (холбуки унинг мазори Синдда, Мултонда) кўрган эмиш. Мен шайхдан бирор ривоят (ҳадис) айтиб беришини илтимос қилдим. У жуда куп воқеаларни

УЗОҚ УМР
КЎРГАНЛАР

ган Томас Парр эса 152 йил умр кўрганлигини қайд этади.

Аммо то ҳанузгача Гиннес рекордлар китобига кирмаган тарихий манбаларнинг хабар беришича, дунёда энг узоқ умр кўрган кишилар бизнинг заминимизда яшаб утганлигини кўрамиз. Урта Осиё тарихини ёзган Ибн Батутта ва Ибн Арабшох сингари муаррихлар ўз кўзлари билан кўрган воқеалар ҳақида шундай гувоҳлик берадилар...

Биз Бешой тоғидаги Зоҳид шайх ота мазорига келдик. Бу шайхни яна Се сад сола (300 ёшли) деб ҳам аташаркан. Айтишларича, мазкур авлиё уч юз эллик ёшга кирган. Халқ уни гоётада эъзозлайди. Бу ерга жуда куп шаҳар ва қишлоқларнинг одамлари шайхни қуришга келадилар.

Султон ва унинг хотини ҳам бу ерга келиб туришарди. Уч юз ёшли Авлиё ота бизни иззат-ҳурмат билан кутиб олди ва меҳмон қилди. Биз дарё бўйида, шайхнинг яқинида тухтадик, сунг уни қуришга кирдик. Авлиё ота мен билан қучоқлашиб қуришди, унинг териси шундай майин, юмшоқ эдики, умримда бундай юмшоқ одамни кўрма-

гапириб берди.

Ибн Арабшох Самарқандда эканида 803 (1406) йили Шайх Урйон билан учрашиб, форс ва муғил тилларидан ўз билимини оширгани маълум. Шайх Урйон ажиб шаклли, олий азмли, камбағал бир киши бўлиб, айтишларича, шаҳар аҳлининг каттаю кичиклари уртасида тарқалган ишоратга қўра унинг ёши уч юзу элликда, деб овоза тарқалганди. Шунга қарамасдан унинг қомати тик ва суврати чиройли эди. Самарқанддаги кекса машойиҳлар ва узоқ умр кўрган ақобирлар айтардиларки, биз ёш булганимизда ҳам бу одамни шу ҳолатда кўрар эдик. Бу киши ҳақида бизнинг ҳурматли оталаримиз ҳам шу тарздаги ривоятни ўз оталари ва кекса ёшли одамлардан эшитган эканлар. У қорачадан келган, куч-қуввати битмас-туганмас, жушқин киши эди. Амирлар, авлиёлар, тақводорлар, фозиллар унинг хужрасини зиёрат қилишиб, дийдорини табаррук билишар ҳамда дуоси баракотидан мадад тилардилар.


Тўпловчи: Мирёкуб
ҚОБИЛ,
Самарқанд.

Соғ танда — соғ ақл

СИЗ КУРАШГА ҚИЗИҚАСИЗМИ?

Тошкентдаги мудофаа вазирлиги спорт мажмуасида юнон-рум кураши бўйича Генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишланган халқаро турнир утказилди. Унда Марказий Осиё мамлакатларидан ва Россиядан 250 дан ортиқ полвон иштирок этди. Бу эса турнир нуфузи тобора ортиб бораётганидан дарак беради. Ўз вазн тоифасида Асмилдин Худойбердиев, Баҳодир Қурбонов, Даврон Собировлар галабага эришдилар.

Бургутлар пурвиқор чўққиларда яшаса-да, улар кўпроқ ерга интилади, уни қўмсайди. Бу бургутчанинг эса нияти ҳолис экан...



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош
муҳаррир
Умида

АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буортма — Г -0709.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топириш вақти 19.00
Топирилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Мавзелимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Намр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25